

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақиллик кубоги халқаро футбол мусобақалари хомийлари — Голландиянинг "Аес холланд групп", "Нутриси", "Синевидео", "Себеко инт. проджект" компаниялари ва "Нуон" концерни раҳбарларини қабул қилди. Ислам Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Голландия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Айниқса, кишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, спорт соҳасидаги ҳамкорлик истикболли эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратилганини қайдаки, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, спорт, телекоммуникация, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятида эканини айтиди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов иштирок этди. Шу куни Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигида "Аес холланд групп" компанияси раҳбари Карл Аалберс Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истикболли режалари муҳокама қилинди. Томонлар ўзарани кизиктирган кўпгина масалалар хусусида фикрлашиб олдилар. 5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотибининг Тожикистондаги махсус элчиси Перес Баллонни қабул қилди. Суҳбатда минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Қабулда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Гуломов, ташки ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. (ЎзА).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

3 сентябрь куни Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғим-терими, кузги бошоқли дон экиллари экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлар ҳокимлиги раҳбарлари билан сиз орқали мулоқот ўтказилди.

Жиззах, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида пуркагич аппаратларининг атиги 70-85 фойизи таъмирланган, ҳолати Уларнинг сифати ҳам кўнглидагидек эмас. Айрим хўжаликларда ҳалигача пахта пунктларида ишлатилган асбоб-анжомлар келтирилмаган. Бу йил биринчи марта республикада икки миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилояти хўжаликлари галлардан мўл ҳосил олдилар. Президентимиз Ислам Каримов галлардан олдига яқин йиллар ичида дон мустақиллигига эришишдек масъулиятли вазифани қўйди. Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Унда келгуси йили 3 миллион 300 минг тоннадан зиёд галла етиштириш кўзда тутилган. Сиз орқали суҳбатда вилоят ҳокимлари кузнинг ганимат донларидан самарали фойдаланиб, пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш, экиндан бўшаган ерларни пешма-пеш шуддорлаб, кузги дон сеппини аниқ тадбирлар асосида амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида таъкидланди. Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Хамидов, М. Усмонов, Қ. Жаҳқулов иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

• ҲОСИЛ — 94 •

"ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ" ТАҲРИРИЯТИ ҲУЗУРИДА ВИЛОЯТИМИЗДА ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИНИНГ БОРИШНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ЁРИТУВЧИ МУВАҚҚАТ ГУРУҲ ИШ БОШЛАДИ

КУНИ кеча республикамиз меҳнаткашлари мустақиллигининг уч йиллиги байрамни зўр тантана, катта шоду-хуррамлик билан нишонладилар. Тўйга тўена билан деганларидек, жуда кўп корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, муассасалар байрамга муносиб совғалар билан етиб келдилар. Вилоятимиз деҳқонлари ҳам режани бажариш ва ҳатто ошириб бажариш, бутгина эмас, ўтган йилги қарзни ҳам узини таъмин этилишини кўзлаб пахтадан мўл, сифатли, эртаги ҳосил етиштирдилар. Далаларимизда терим ишлари анча барвақт бошлаб юборилди. Мавсум арафасида 1994 йил пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилиниши ва ана шу қарорга асосан пахта харид нархларининг оширилганлиги, топшириқдаги пахта толасининг 33 фойизи ва топшириқдан ортиқчасининг ҳаммаси эркин

бозор нархида хўжаликлар томонидан мустақил равишда сотишга руҳсат берилганлиги пахтакорларимизни гоёта руҳлантириб, уларнинг кучига куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Ҳар бир туманда, хўжаликларда катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни ёгин—сочинли кунларга қолдирмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олиш, бунинг учун эса хар бир ҳудудда, кишлоқда, хўжаликда, умумий сафарбарликни авж олдириш, машина теримига эътиборни асло сусайтирмаган ҳолда дастлабки кунларданок кўл теримига катта аҳамият бериш, вазият талаб қилганида хашарчилар, шаҳарлик биродарлар ердими, мададидан ҳам оқилона ва унумдорлик билан фойдаланиш мақсадида зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда бу тадбирларни бекаму-қўст амалга ошириш учун қизгин иш бошлаб юборилди. Ҳар йилдагидек туманларда пахта штаблари тузилди. Уларнинг аниқ иш режалари белгилаб олинди.

Ана шу долзарб вазифалар, мавсум масъулиятдан келиб чиқиб "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти ҳам пахта йиғим-теримининг боришини тезкорлик билан ёритиб бориш мақсадида махсус гуруҳ тузди ва бу гуруҳ иш бошлади. Шу муносабат билан биз жойлардаги штаб аъзолари, ҳокимликдагилар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари аъзолари, фаоллар, фахрийлар, ишчи-деҳқонларга мурожаат қилиб, йиғим-терим қандай бораётганлиги ҳақида ҳозиржавоблик билан мақолалар, хабарлар, лавҳалар, фотосуратлар юборишларини сўраймиз.

Бу борада бизга ижод қиламиз. Таҳририят пахта йиғим-теримининг ташкил этилишига оид энг яхши тажрибалар, иш далааларга чиқиб, пахтакорларнинг қахрамонона меҳнатларини қаламга оладилар, ўзларининг очерк, хикоялари, йиғим-теримнинг боришини таҳлил этувчи мақолалари билан фалол катнашадилар. деб умид


вилоятимизда йиғим-терим ишларини кундан-кунга авж олдириш, режанинг барвақт бажарилишига кўмаклашди, деб ўйлаймиз.

Куйида биз Бекобод, Чиноз туманларида пахта қарвонлари ташкил этилганлиги, вилоятимизда гўза баргини тўкиш ишлари бошлаб юборилганлиги ҳақида тезкор гуруҳга келган дастлабки мақола, хабарларни бераймиз.

Кеча Оккўргон ва Куйичирчиқ туманларида ҳам биринчи ҳосил қарвонлари ташкил этилди. Қабул пунктларига дастлабки "оқ олтин" дурдоналари етказиб берилди.



БУ йил Чиноз тумани меҳнаткашлари ҳам 6,5 минг гектар ерда яна пахта ҳосили етиштирдилар. Эндиги диққат-эътибор ана шу етиштирилган ҳосилни не-нобузд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган. Кунини кеча туман пахта тозалаш заводида биринчи пахта қарвонларини қабул қилиб олишга бағишланган



тантанали маросим бўлиб ўтди. Туман ҳокими Э. Бердиев, Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси Ж. Абдуназаров, меҳнат фахрийси Ж. Очлов, пахта тозалаш заводи директори Э. Йўлдошевлар барчани ҳосил байрами билан табриқладилар.

"Тошкент ҳақиқати" газетаси қошидаги тезкор гуруҳ телефонлари: 33-40-48, 33-70-10.

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг шонли уч йиллиги тантаналари пахта далаларидаги меҳнат байрамига улашиб кетди. Далаларда бу йил мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вазифа уни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишдан иборатдир.

Душанба куни эрта билан Бекобод туманининг байрамлардагидек безатилган, "Далварзин" ва "Бекобод" пахта тозалаш заводлари томон янги ҳосил қарвонлари оқиб кела бошлади. Чевар теримчиларимиз ғайрат-шижоатидан биринчи нишона бўлган турна қатор тележклар оппоқ дурдонага лиммо-лим. Уларга қайси хўжалик ва бу йил қанча пахта бериши катта харфлар билан ёзиб қўйилган: Ойбек номли жамоа хўжалиги. Режа 4400 тонна, "Бекобод" жамоа хўжалиги. Режа 2500 тонна...

Биринчи ҳосил қарвонларининг йўлга чиқиши муносабати билан "Далварзин" ва "Бекобод" пахта тозалаш заводлари олдига ўзига хос байрам маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Бекобод тумани ҳокими М. Расулов, жамоа хўжаликларининг раҳбарлари ва меҳнат фахрийлари бугунги шарафли кун, туман пахтакорлари олдига турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, деҳқонларни муборакбод этдилар, ҳосил қарвонларига оқ йўл тиладилар.

Хўжаликлардан келтирилган дастлабки ҳосилни заводларнинг ишчи-хизматчилари қабул қилиб олдилар. Ҳа, бугун бекободлик пахтакорларнинг 42 минг тонналик хирмон кўтарishi режасида янги ҳисоб рақами очилди. Иншооллох, у кут, баракали бўлсин.

ДЕФОЛИЦИЯ БОШЛАНДИ

Бекобод тумани хўжаликларига дефолиция бошланиб кетди. Бу тадбирга янги ташкил этилган "Сарюз" ширкатлар уюшмасида биринчилардан бўлиб киришилди. Ҳозир сайлаб олинган майдонларда 2 та ОВХ ишлаб турипти. Далада ишлаётганлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
Аҳолига сотиладиган автомобиль бензини чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида
Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари нархларининг ошиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:
1. 1994 йилнинг 5 сентябидан бошлаб аҳолига сотиладиган автомобиль бензинининг чакана нархи 1 литри учун 3 сўм микдорига белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги белгилайдиган бўйича уруш катташчилари ва фахрийлари, уруш ва меҳнат ноғиронларига ойига белгиланган 50 литр автобензинини чакана нархларининг 50 фойизи даражасида имтиёзли нархларда сотиш нормаси сақлаб қолинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бензинининг янги чакана нархлари прејискурантини тасдиқласин, уни ҳамда қайта баҳолаш бўйича кўрсатмаларни барча манфаатдор ташкилотларга етказсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июлдаги 385-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. МУТАЛОВ.
Тошкент шаҳри
1994 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
Ун ва булка ноннинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида
Донни сотиб олиш, уни ташиш ва қайта ишлаш нархларининг ошиб бораётганлиги муносабати билан, шунингдек, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ун ва нондан тежамли ҳамда оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:
1. 1994 йилнинг 5 сентябидан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи ўртача 3,50 сўм ва 1 килограмм булка ноннинг чакана нархи 3,0 сўм этиб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уннинг ва булка ноннинг чиқарилаётган турларини ҳисобга олган ҳолда янги чакана нархларининг прејискурантларини, шунингдек, донни ва уни қайта баҳолаш тўғрисидаги кўрсатмани манфаатдор вазирликларга ва идораларга етказсин;
ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари чакана нархларининг асосли шакллантирилиши устидан қатъий давлат назоратини таъминласин.
3. Ун, нон ва нон-булка маҳсулотларига бўлган талаб ва тақлифни тенглаштириш, истеъмол бозорига бу маҳсулотларга мувозанатлаштирилган нархларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўздонмаксулот" корпорацияси билан биргаликда бир ой муддатда ун ва булка ноннинг шартнома (эркин) нархларига ўши масаласини кўриб чиқсин ва ҳал қилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июлдаги 384-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. МУТАЛОВ.
Тошкент шаҳри
1994 йил 2 сентябрь.

Механизаторлар — ишончли таянчимиз

Тошкент вилояти хўжаликларининг пахтачиликда, айниқса, қиш-теримда техникадан фойдаланишда жуда бой ва қишматли тажрибаси бор. Бугун ана шу шўхратли ташлаш вақти етди.

Машина терими мавсуми яқин. Қўйда меҳнат унумдорлигини оширишни мўҳим шартли бўлган терим машиналарини қандай сифатли рўстлаш ва соғлашга оид мутахассис фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бошқарувчи дедалини еки ричагининг энг пастки ҳолатида двигателнинг тўла оборот билан ишлашини таъминлаш керак бўлади. Машинанинг ҳаракатланиш тезлиги 30 метрдан каттароқ узуниликка эга бўлган текис майдонда аниқлашни мўҳим. Бунинг учун майдон ҳар бири 10 метрдан узуниликка бўлган "боши", "ўртаси" ва "охири" дейилган уч бўлаққа ажратилади. Машина "боши" чизигига қўйилади. Керакли тезликка уланади. Двигателнинг тўла оборотларида барча механизмлари ишлатган ҳолда пневмоподборшк ва эшикчаларни ўрнатиш пайтида олдинги қирраси билан олдинги ажраткич орасидаги масофа қабул камерасининг бундан баландлиги бўйича 5—7 миллиметр бўлишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. ХНП-1,8 ва ХНП-1,8А машиналарни пневматик подборшклар ва ердан терилган пахтани тозаловчи мосламалар билан жиҳозланган. Подборшклар ҳам биринчи теримда, ҳам иккинчи теримда ишлатилади. Подборшкларнинг самарадорлиги эса далаларнинг

Термини бошладан олдин қайтши майдончаларни сифатли тайерлаш ҳам пахта но б у д г а р ч и л и г и н и камайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Бундай майдончаларнинг кенглиги эса 8—9 метрдан кам бўлмаслиги шарт. Термини механизациялаштиришдан кўзланган мақсадга эришиш учун олдинги тажрибаларни бойитиб, давом эттириб, терим машиналари ва ташви воситаларининг ишини: дала-машина-бункер-тирмака-арава —тайерлов пункти усулида узулуксиз ташкил этиш талаб этилади. Сир эмас, бир вақтлари машина теримда сон орқасидан қувлииб, сунъий равишда фонзин кўпайтиришга зўр бериб, жиддий камчилликларга йўл қўйиларди: тумда ҳам машнада пахта териларди. Ҳеч кимга сир эмас, тумда пахта териш хом аше сифатини пасайтирди, ерга қўйла пахтанинг тўқилишига олиб келади. Эндидикида бундай хатоларнинг такрорланшига сира йўл қўйиб бўлмайди. Юқорида биз айтиб ўтган тавсиялар, маслаҳатлар, албатта, механизаторларимиз учун янглик эмас. Бироқ ҳамма касаллик шундаки, кўп ҳолларда эътибор берилмайди. Илгор хўжаликларнинг тажрибаси аниқ рўстланган ва созланган терим машиналари гўза туларидики очилиган пахтани тўла териб олишини, хом ашеини сифатли бўлишини таъминлашда мўҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бунинг унутмаслигимиз керак.

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

БУ ЙИЛ Пискент тумани пахтазорларида мўл хосил етиштирилди. Термини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида дўшанба кундан бошлаб ялпи сафарбарлик эълон қилинди. Тузилган пахта штаби давлатга кўра шахар меҳнат жамоаларининг ишчи-хизматчилари белларига этак тутиб, пахтазорларга кўмаклашиш ниятида хўжаликларга олинди. Дастлабки хисоб-китобларга қараганда бугун туман пахтазорларида 7 минг нафар қолқоччи ва шахар меҳнат жамоаларининг 2,5 мингта яқин хашарчилари хирмонга баҳарга кирита бошладилар.

Айни вақтда агротехника ердамида гўза баргини тўқши ишлари жадал давом эттириляпти. Бу ишларга жалб этилган мажбуд мосламали агрегатнинг ҳар бири кунига 7-8 гектар майдонда дефолиация ишларини амалга оширмақда. Шу билан биргаликда пайкаларнинг бош ва қуйи қисмлари текисланди, машина теримига мослаштирилди. Бу йил 11 минг гектардан зиёд ерда етиштирилган пахта хосилини энг қўлай фўрсатларда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун хозирданок ҳамма имкониятларини ишга солмақда. — деги туман дехқончилик сановати уюшмаси раиси Шомурод Эсеркенов. — Мақсадимиз егин-сочинли дамлар бошланмасдан узоти билан 35-40 иш кунинда йиллик пахта тайерлаш режасини бажаришир. Дарвоқе, бу йил туманда хосия эрта етиди. Пахта заводи ва қабул пунктлари мавсумга барвақт хозирланди. Хосилин пешма-пеш қабул қилиб олиш ва уни тезда наваларга ажратиш бўйича мўҳим янгиликлар жорий этилди. Келтирилатган хом ашени қайта ишлаш қуввати бир кеча-кундузда 200 тоннага етказилди. Пахтани ноуд қилмаслик, жорий этилган янги давлат стандарти талабларини беками кўст бажариш ҳамда хисоб-китобларда чалқашликлар бўлмаслиги учун ҳар бир хўжаликнинг пахта хирмони алоҳида уйлумқода. Бугун белгиланган ана шу барча тадбирлар қатъий назорат остида амалга ошириляпти. Завод хузурида тушти ошқона, чойхона, тамалди жойи ва новвоёхоналар намунали ишлаб турляпти. Қисқача қилиб айтганда, заводда ҳам, далада ҳам одамларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма чоралар қўрилмоқда.

Хозир ҳар кун туман бўйича йиллик режанинг 0,25—0,30 фонзи микдорда пахта тайерлашга эришилмоқда. Кундалик кўрсаткичлар И. Хайдаров, "Ўзбекистон мустақиллиги", "Қирқизобод", "Туркистон" ва Охунбоев номи жамоа хўжаликларидики оқсалди бормоқда. Шай холга келтириб қўйилган 258 та терим агрегатлари 20 сентябрдан бошлаб пахтазорларда ишлаб бошляди.

Т. ИБРОҲИМОВ.

Терим машиналари: РОСТЛАШ, СОЗЛАШ — УНУМДОРЛИК ГАРОВИ

Созлаш, рўстлаш ишлари эса, машиналарнинг тури ва хилига қараб амалга оширилади. Аввал ишни бошладан олдин ҳар бир машинанинг катта-кичик қисмларини диққат билан кўздан кечириш зарур. Сўнгра технология созлашга ўтилади. Гилдирак қанотчаларини, етакловчи гилдираклардаги қалпоқларни, хосилни ерга тўқилишдан сақловчи трактор кўприги ва картести сақлагич мосламаларининг тўғри еки нотўғри ўрнатилганлиги диққат билан кўриб чиқилади. Агарда етакловчи гилдираклардаги босим ҳар хил бўлса, машина бир текис ишлай олмайд. Шунинг учун ҳам олдинги ва орқа гилдираклардаги босимнинг меёрда бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Агрегатларни созлаш мақсус тайерланган ва чизиклар тортилган қаттиқ қопламали майдончаларда амалга ошириляпти ва бу ишда шаблонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Созлаш ва рўстлаш машинанинг аппаратлари бўйлама ўқига нисбатан қандай жойлашганлигини аниқлашдан бошланади. Шундай қилиш кераки, терим аппаратларининг иш тириқчи қаторларга тўғри келсин. Машинанинг кўндаланг турғунлиги таъминланган, бўйлама ўқ чизиги олдинги гилдиракнинг ўртаси ва қувват олиш валига осилган шовун ердамида ўрнатилади.

Бундан ташқари, аппаратларнинг ер сатҳига текшириш билан боғлиқдир. Бунда вентиляторлар ва тозалагич юртималари тасмаларининг таранглиги, тасмаларининг бошқариш воситаларига алоҳида эътибор берилди. Тасмаларнинг тўғри ишлашини таъминлаш учун эса, шкивларнинг ва роликларнинг ариқчаларини бир-бирига нисбатан силжиши белгиланган миллиметрдан ошмаслиги керак. Агарда тозалагич шкиви билан контроритма шкивининг ариқчалари ўзаро со келмаса тозалагичнинг ўйикларда тозалагичнинг трубкасини беркитадиган тешикнинг очик еки епиклигини ҳам текшириш керак бўлади. Тешик очик бўлса, уни албатта беркитиш керак. Акс ҳолда двигател ифлос ҳавони сўриб олади. Бу эса поршен-шатуи гуруҳининг тез ейилишига ва двигателнинг ишдан чиқишига сабабчи бўлади.

Мақсус рўхсат берилгандан сўнг ҳаракат бошланади. Олдинги гилдирак "ўрта" чизигига тўғри келганда секундомер ишга туширилади. "Охири" чизигига тўғри келганда эса, секундомер тўхтатилади. ХНП-1,8 ва ХНП-1,8 А машиналаридаги Д-240 двигателни рўстлаётганда ҳаво киритиш коллекторидики ҳаво т о з а л а г и ч н и н г ифлосланганлигини кўрсатуви асбобнинг трубкасини беркитадиган тешикнинг очик еки епиклигини ҳам текшириш керак бўлади. Тешик очик бўлса, уни албатта беркитиш керак. Акс ҳолда двигател ифлос ҳавони сўриб олади. Бу эса поршен-шатуи гуруҳининг тез ейилишига ва двигателнинг ишдан чиқишига сабабчи бўлади.

Учинчи гуруҳ созлашлар эса, машинанинг асосий қисмлари — терим аппарати, зарур. Бу ҳол қистирмалар қўйиш ва ҳаракатланувчи секциянинг таянч нуқтаси ҳолатини ўзгартириш билан амалга оширилади. Шунга ўхшаш баъзи тадбирлар ҳам мутахассисларнинг тажрибаси билан таъмирловчиларнинг назорати ва маслаҳати асосида амалга оширилади.

Терилган пахталарнинг шпинделлардан тўла ажратиб олиниши ва шпинделлар уюзининг яхши тозаланши учун ажраткичлар ҳолати технология қайтаргичлар ва аппарат эшикчаларининг ҳолати кунт билан созилиши шарт. Ажраткичлар билан технология қайтаргичлар орасидаги масофа: ажраткичнинг олд томонидан 1 миллиметрдан ошмаслиги, орқа томонидан эса, 5—7 миллиметр ташиқил этиши керак. Аппаратлар иш вақтида

машина теримига қандай тайерланганини, гўзанинг бир текис, паст-баландлиги, кўсақларнинг қай даражада очилганлига боғлиқдир. Бунинг деҳқонларимиз, мутахассисларимиз яхши билдилар. Амалдаги талабларга кўра машинанинг айланмадан вал ва бошқа деталарни сақлагич қопламалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Ҳар бир терим агрегати биринчи ердан аптоқаси ва енгинга қарши кураш усқуналари билан таъминланган бўлсин.

Тажрибалар шунини кўрсатадики, агарда барг тўқши ишлари сифатсиз ўтказилса, бундай далаларда ишлатилган машиналарнинг унумдорлиги 15—20 фоизга камайиб кетади. Бунинг устига терилган пахтанинг сифати кўнглидагидек бўлмайди.

А. ҲОҶИЕВ, Тошкент вилояти илм-фан таънч маркази аъзоси, ЎзМЭИ директори, академик.



КИШЛОҚДА иқтисодий ислоҳот қандай бормоқда? Президент фармонлари қандай бажариляпти? Хусусан, хусусийлаштирилган хўссадорлик уюшмаларига айлантиришкан фермалардаги аҳоли қандай, самараси яхши бўляптими? Ана шу саволлар билан Тошкент тумани мутасаддиларига мурожаат қилдик. Улар бизга "Келес" ва "Чорвадор" хўссадорлик уюшмаларининг фаолияти билан танишди, у ердаги аҳолини ўз кўзимиз билан кўриб ҳўхўса чиқаришнинг маслаҳат бердилар.

Энди ИШЛАЙДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ Ордадан бор-йўти 10 ой вақт ўтибди. Лекин мулққа эгаллик хиссини амалда тутиш бу қисқа муддатда ишлаб чиқаришга қалчлик ижобий таъсир қўрсатганини эришилган натижалар шундоқкида кўрсатиб турибди. Агарда Абдурахмонов номи жамоа хўжалиги базасида ташкил этилган мажур "Келес" хўссадорлик жамиятида илгари ҳар бир соғин сигирдан кунига 4—5 литрдан сут соғиб олинган бўлса, хозирги кунда бу кўрсаткич 9 литрга кўтарилди. Бу йил биринчи августга қадар соғин сигирлардан ўтган йилнинг шу муддатдаги 983 литр ўрнига 1487 литрдан сут соғиб олинди. Йил охиригача 3 тоннага ошди.

Нима, одамлар, чорвадорлар ўзгариб қолдикми? Техникалар янгилашиб, янги усқуналар келтирилдикми? Янги қўнлар қўшилдикми? Еки чорвадор меҳнатига ниҳоятда юқори ҳақ тўланадиган бўлиб қолдикми? Йўқ, ундай эмас. Хозир ҳам ўша соғувчилар, ўша молбоқарлар меҳнат қилишляпти. Ҳамма гап шундаки, бу чорвадорларнинг ишга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Улар энди чорвага ўз молим, ўз сигирини, ўз бузоғини деб қарамоқдалар.

— Мен сизга айтсам, яна бир жиҳатини ҳам эсдан чиқармаслик керак. — дейди зоотехник Рафкат Шайхамедов. — Илгари фермаимизга келиб ундай қилмасдилар, бундай қилмасдилар, ундай қилиш керак эди. Бундай қилиш керак эди, деб билса-билмаса маслаҳат бериб иш ўргатувчи хўжайинлар кўп бўларди. Эсангизини котириб, кўнглингизни ишдан совутиб кетишарди. Хозир ҳар биримизнинг ишга илҳосимиз зўр. Мутахассис сифатида мен молимнинг тўйиб овқатланиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилман. Ҳар бир сигир 14 озуқа билирига тенг емиш билан таъминланди, ана шунда яхши сут беради. Елиб-югуртилади. Шахсан ферма мудирининг ўзлари Гафур Дадажоновнинг тиним билмай ишляптилар. Қишлоққа етарли озуқа тайерлаш ҳаракатидамиз. Бир оғимиз фермада бўлса, бир оғимиз Қозоғистонда. Дўстларимиз химиятдан фойдаланиб, хашак олиб келаяпти. Утган йили 200 тонна жамгарилдан бўлса, бу йил 300 тоннадан ошди. Бостирма тағдида қандек сақланди. Силос 1200 тонна бўлган эди. Бу йил 2 мингдан кам бўлмайди.

Албатта, фермадаги ишларни унумли таъминлаш тасаввур этиб бўлмайди. Хозир хусусий ферма — уюшмада 2 та "КИР", 4 та "Белорус" трактори, сув, сут ташувчи машиналар, сепараторлар ва бошқа сут соғувчи қурилмалар бор. Сир эмас, илгари бу техникалардан "авваси" фойдаланарди. Менга нима, бузилса янгини олиб беришляди-да, дердик. Йўқ, энди ундай деб айтмас. Ҳозирги экин қилиб бўлмайди. Бор техникани асраб, авайлаб ишлятиляпти.

Энди йўқ, пулга сотаяпти. Хозиргача 3 минг сўмлик сотдик. Сут соғувчиларнинг ўртача ойлиги 200 сўмдан орди. Бу хали кам, албатта. Лекин бундан бор-йўти 1—1,5 йил илгари бир сут соғувчининг, молбоқарнинг ўртача ойлиги нари борса 30—40 сўмга тўғри келишини хисобга олинган бўлса, яхши-да.

Оилавий бўлиб ишляётганларнинг даромади, айниқса мўмай бўляпти. Рўза Аъзамова тажрибали сут соғувчи, 22 та сигир бор. 10 литрдан ошириб сут оляпти. Оиласи билан ойига 1000 сўмга яқин даромад қилляпти. Хосият Хайдарова турмуш ўртоғи, ўғли, қизи билан ишляди. Қизи Зилолахан мустақил меҳнат қилади. Она-бола икковига 42 сигир беркитилган. Молбоқарлардан Мавлон Ғозиев, Наби Хайдаровлар ҳам аввалгига қараганда 2—3 хисса гайрат билан ишляшляпти. Меҳнатлари қадр топляпти-да.

— Умуман оладиган бўлсак, — дейди туман хокимининг ўринбосари, хамроқимиз Раҳматулла Шерматов, — мана ўзингиз кўриб турибсиз. Хўжалик раҳбарлари барча оғирликни ўз зиммаларига олишляпти-да. Нима ердан керак бўлса тортинмай айтишляди. Хозир ферманда айланганда эътибор бергандирсиз, бир гуруҳ таъмирловчилар, курувчилар ишляшляпти. У ер бо ерни тўзатиб, чорва биносини қишга хозирляшляпти. Қарс икки қўлдан, дегаллар.

Айримлар ферманга хусусийлаштиришни бир тўғни ечиб, иккинчисини қийдириб қўйишга ўхшашляди. Барибир ҳамма нарсга озуқага боғлиқ-да, дейишляпти. Бу гапда ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Лекин шу нарсга равшаник, ферма хусусийлашгач, унинг ўз эгалари бўлади. Эгаси қандай бўлмасин, ҳаракатини қилади. Ана шунинг учун ҳам самарадорлик яхши бўлади.

Шу тумандаги "Чорвадор" жамияти иши билан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч хосил қилдик.

МАҲСУЛОТ ЧИҚАРГАН ЮТАДИ Жамият раиси Тўшпулат Хўжамуродовнинг фалсафаси шундай: бундан буен халқни қандай бўлмасин илҳилиш мақсад қилиб оладиган савдо-сотик, сохта тижоратчиларнинг бозори касод бўлиб бораверади. Ишлаб чиқарган эса ютади.

Келдик. Энди бу касалликдан бутунлай фориг бўлмасак, ўзимизга қийин бўлади. Давр, амон шунини талаб қилляпти. Бошқача йўл йўқ, — дейди Тўшпулат. — Чунки биз дурустгина чорва биналарига, қаттагина худудга эга бўлганимиз билан кўп ҳолларда чорвадан зарар кўриб гап эшитиб келдик. Ҳар сафар танқидий тан олиб, тўғри айтмасликлар, айб билади, камчилигимизни, хатолигимизни тўзатамиз, чорвани яхшилаймиз, деб ваъда берадик. Бирок берилган танбеллар, тўлаги тақабиллар бу қулғонимиздан қириб у қулғонимиздан чиқиб кетаверарди.

Энди янгиҳасига меҳнат қилмасак бўлмайди. Ферманга хусусийлаштириб олинлар, ана ундан кейин ишляйсиз, дейишдик. Мустақиллик шарофати билан ана шундай талаблар қўйилди. Шундай қилиб олдик. Ферманга кўплайиб 16 киши 153 миллион сўм-қулғонга келдик.

— Айримлар ферманга хусусийлаштиришни бир тўғни ечиб, иккинчисини қийдириб қўйишга ўхшашляди. Барибир ҳамма нарсга озуқага боғлиқ-да, дейишляпти. Бу гапда ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Лекин шу нарсга равшаник, ферма хусусийлашгач, унинг ўз эгалари бўлади. Эгаси қандай бўлмасин, ҳаракатини қилади. Ана шунинг учун ҳам самарадорлик яхши бўлади.

Шу тумандаги "Чорвадор" жамияти иши билан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч хосил қилдик.

МАҲСУЛОТ ЧИҚАРГАН ЮТАДИ Жамият раиси Тўшпулат Хўжамуродовнинг фалсафаси шундай: бундан буен халқни қандай бўлмасин илҳилиш мақсад қилиб оладиган савдо-сотик, сохта тижоратчиларнинг бозори касод бўлиб бораверади. Ишлаб чиқарган эса ютади.

У ўзининг 20 йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, бу гапни айтганда эди. Ойлиғонини тўғалагач, мол дўхтириқ қилди, бригадир бўлди, зоотехник сифатида фаолият кўрсатди. Мана энди мустақил раҳбар бўлиб ишляпти. Тўғри, унинг бу гапи, фалсафаси янглик эмас. Лекин айтиш бошқа, унга амал қилиш бошқа. Бизнинг касаллигимиз шунда бўлдики, узок йиллар давомида яхши гапларини айтиди-гу, амал қилмай

ЭРТАГА КЕЧ БЎЛМАСИН

Шу кунларда вилоятимизда 1994 йил пахта хосилини йиғиб-териб олишга киришилди. Бебаҳо халқ бойлигини енгиндан асраш вилоятимиздаги ҳарбир мутасадди шахс, фуқароларнинг бурчи, десак хато бўлмайди. Пахтани қабул қилиб олиш мавсумига вилоят хўжаликларидики таъйерарлик қандай боришти? Шу мақсадда биз бир қатор пахта тозалаш заводларининг иши билан танишдик.

Юқоридаги туманидаги "Ўзбекистон", "Далварээн", Қуйчириқ, "Ўртағирчиқ", "Корасур" Бўка пахта тозалаш заводларида егини хавфсизлига лоқайд қаратганликларини гувоҳи бўлдик. Юқорида кўрсатилган корхоналар раҳбарлари егини хавфсизлигини таъминлаш юзасидан умуман чора-тадбирлар қўришмаган. Сув хавзалари орасталанимаган, бирламчи ўт учирувчи воситалари билан таъминланмаган. Чанг камералари вақтида тозаланмаган. Халқимизда "Ўт балосидан асрасин", — деган ибора бор. Жойларда егини хавфсизлиги етарли даражада таъминланмас

экан, у холда халқимиз бойлигини енгиндан асрашда бир қанча қийинчиликларга учрашини тўғри гап. Мавсум олдиндан баъзи корхоналар ишини Давлат егини назорати ходимлари томонидан вақтинча тўхтатиб туришга тўғри келди. Тегини раҳбарларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди. Лекин, Давлат егини назорати ходимлари томонидан берилган езма кўрсатмалар бажарилмас экан, улар баъзи раҳбарларга нисбатан "Ўзбекистон" Жамият мажмуасининг 212-тириш модаласи билан жиноий иш қўғатилиши мажбур бўлдилар. Мавсумга пўхта таралдиб кўриш лозим. Барча зарур ишларни ўз вақтида, сифатли бажармасак, эртага кеч бўлиши мўҳим. Кейинги пўшаймон эса ўзинга душман, дейдилар.

Н. ЕДГОРОВ, Енгиндан сақлаш бошқармаси Давлат Егини назорати бўлими муҳандиси, ички хизмат майори.

ҚУЙЧИРИҚ туманидаги "Ўзбекистон" тажриба хўжалиги деҳқонлари бу йил қаттагина майдондаги пахтани машинада териш таъйерарлик кўриди. Мажбур пахта териш машиналари мавсумга шай қилиб қўйилди.

Суратларда: хўжалик бош муҳандиси (чапдан иккинчи) Ҳамидулла Хўсанов, механизаторлар Абдулла Сулҳаманов, Эркинбой Оқимжонов, Абламет Исломов, Зокир Мақжамовлар. (Ўрта) теримга шай қилиб қўйилган машиналар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Чорвачилик: ислоҳотнинг илк мевалари

ҚЎЛЛАГАННИ ХАЛҚ ҚЎЛЛАЙДИ

Фермада мақсудорлик ортиб борляпти. Гўшта топириладиган молларнинг вази 400 килограммдан кам бўлмайди. Сутини ҳам, гўштини ҳам яна кўпайтирса бўлади. Бунинг учун сигирлар зотини яна ҳам яхшилашимиз, каровни яна ҳам олий даражада йўлга қўйишимиз керак. — дейишляпти чорвадорлар. Ерини ҳам тезроқ беришга яхши бўларди.

— Умуман оладиган бўлсак, — дейди туман хокимининг ўринбосари, хамроқимиз Раҳматулла Шерматов, — мана ўзингиз кўриб турибсиз. Хўжалик раҳбарлари барча оғирликни ўз зиммаларига олишляпти-да. Нима ердан керак бўлса тортинмай айтишляди. Хозир ферманда айланганда эътибор бергандирсиз, бир гуруҳ таъмирловчилар, курувчилар ишляшляпти. У ер бо ерни тўзатиб, чорва биносини қишга хозирляшляпти. Қарс икки қўлдан, дегаллар.

Айримлар ферманга хусусийлаштиришни бир тўғни ечиб, иккинчисини қийдириб қўйишга ўхшашляди. Барибир ҳамма нарсга озуқага боғлиқ-да, дейишляпти. Бу гапда ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Лекин шу нарсга равшаник, ферма хусусийлашгач, унинг ўз эгалари бўлади. Эгаси қандай бўлмасин, ҳаракатини қилади. Ана шунинг учун ҳам самарадорлик яхши бўлади.

Шу тумандаги "Чорвадор" жамияти иши билан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч хосил қилдик.

МУХБИР ШАРҲИ

Мана, сиз, ҳурматли газетчок, Тошкент туманидаги икки хусусий ферманнинг ишлари, режалари билан танишдик. Ҳар икки ферма чорвадорлари фаолиятида бир-бирларига ўхшашлик, муштарак жиҳатлари бор. Бу шунданки, мулк эгаси бўлгач, чорвадорларда лоқайдлик, боқимандлик, ўзинларчилик, мендан кеттувчи... қабилда ишлаб қайфиятлари ўз-ўзидан барҳам топмоқда. Ким билан сўхбатлашсан, ота-боболаримиз чорвани етти ҳазинанинг бири, деб айтишган. Лекин афсуски, бу ҳазинани бойитиш ўрнига уни билиб-билмай совурдик. Чорвадан экин қўриб келдик. Қани бу ерда мантлик? Чунки боқимандлик қайфияти қалбимизга чирмовидек епишиб олганди. Энди етар, мулк эгаси бўдик-ку, бундан ортқ яна нима керак бизга. Ишларлик, инсоф сари барақа, деб айтишляди-ку. Бу — куч қувватимизни жўш урдирувчи катта кучдир.

Ҳар икки хўжаликда ҳам хўжалик раҳбарлари хусусийлашган фермаларга астойдил ердан бераётганликларни қилишни қувонтиради. Бу бежиз эмас. Вилоят хокими қишлоқда ислоҳотнинг боришини таҳлил этганида, давлат — бу бош ислохотчи кучдир, — деб қўл аятади. Ислохотни амалга ошириш бу ислохотнинг мевалари бўлиши дехқон-фермер хўжалиқлари, хусусийлашган фермаларнинг ривожини, камол топиши эса туман хокимлар, хўжалик раҳбарларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Тошкент туманида бу соҳада тўланаётган тажрибадан ўрганса арзийди.

Ҳар икки уюшманинг бир-бирларидан ўрганидиган жиҳатлари, тажрибалари ҳам бор. Келесликлар фаолиятида тежамкорлик, бойқилдан, бор мол-мулкдан ниҳоятда усталик билан фойдаланишга жазм этиш устиворроқ кўрилади. Улар бу йўлда ҳар бир имкониятни ишга солмақдалар. "Чорвадор" уюшмаси эса, тадбиркорлик, ишбилармонликнинг чегараси йўқлигини амалда кўрсатиш учун ҳаракат қилмоқда.

Биз ҳар икки жамоанинг фаолияти камчилик-хўссоллардан ҳолидир, деб айтиш қийранди йироқимиз. Ҳар иккиси ҳам энди атак-чек қилиб келестир. Табиятин, ҳоқилдан, туртинадди, у ер, бу ери лат елди, шилинди. Лекин ишончи омиш шундаки, бундай бўлишига йўл қўймадилар, хатоларини тўзатиб, камчилликларини тўғрилашга, ўзини тўғри, ўнлаб олганига ердан ва қумак бериб турганидан, бу йўлда ҳолис хизмат кўрсатганини қўнлар, мутасаддилар бор!

Н. РИХСМБЕВ.

• Тошкентдаги ўйинларни жаҳон кўрди • Инсонларга бағри кенг эди • Уч ярим ёшли ҳалоскор • Ишчиларга бепул йўлланма • Халқ лапарлари янгради



Суратларда: турнир ғолиби — Ўзбекистон миллий терма жамоаси; Голландиянинг АЕС фирмаси президенти К. Аалберс мусобақа иштирокчиларини қутламоқда; Шўҳрат Мақсудов "Мустақиллик кубоги" соврини билан.

А. МАМАДАМИНОВ суратлари.

• Мустақиллик байроғи остида

БИЛЛУР ТҮП — ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИДА



Ўтган шанба кун Тошкентдаги марказий "Пахтакор" стадионида улкан футбол байрами — "Ўзбекистон Мустақиллик кубоги" учун дастлабки мусобақа бўлиб ўтди. "Миконд" заводда махсус тайёрланган бош соврин — биллур тўп учун Голландиянинг "Витесс" ва "Нек" профессионал клублари, Ўзбекистон миллий терма командаси ҳамда Фарғонанинг "Нефчи" командалари куч синашдилар.


Иштирокчилари саф тортади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, республика футбол федерацияси президенти А. Муталов спортчиларни янги аънава тугилгани билан табриклиди. У Голландия билан Ўзбекистон ўртасида спорт соҳасидаги алоқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг ўтган йили шу мамалакатга қилган сафари пайтида турли соҳаларда эришилган ўзаро келишувларнинг табиий давоми эканини таъкидлади. Тошкентда Голландиянинг кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган "Аес" фирмаси ваколатхонаси очилган. Бу фирма мана шу мусобақани ўтказиш ташаббускоридир.

Финалда Ўзбекистон миллий терма командаси билан "Нек" клуби ўртасидаги бахс тақдирини Миржало Кошимов дарвозага киритган ягона тўп хал қилди. Иккинчи ўйинда Голландиянинг "Нек" командаси ўн бир метрик тўп уриш баҳсида Фарғонанинг "Нефчи" командасини мағлуб этди. Финалда Ўзбекистон миллий терма командаси билан "Нек" клуби ўртасидаги бахс тақдирини Миржало Кошимов дарвозага киритган ягона тўп хал қилди. Шундай қилиб, мусобақанинг бош соврини — биллур тўпга Ўзбекистонлик спортчилар эга бўлишди. Бош вазири А. Муталов ғолибларга совринни топширганидан кейин "Аес" фирмаси ва "Витесс" футбол клуби президенти, Ўзбекистоннинг Бенилюкс давлатларидаги фахрий консули Карел Аалберсга эсдалик совринини ҳада этди.

Совга қилишда меҳмонлар ҳам қолишгани йўқ "Аес" фирмаси номидан ғолибларга ҳамда мусобақанинг барча иштирокчиларига нафис металл кубоклар топширилади. Бундан ташқари, меҳмонлар Ўзбекистон болалар жамғармасига юз минг Америк доллар миқдордаги чек ҳада қилишди. Фирма шу миқдордаги пулга сотиб олинган болалар озиқ-овқати "Соғлом авлод учун" халқро қайри ямғармаси орқали махсус клиникалар ва болалар уйларига етказиб берилди. Муқофотлаш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазири Уринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри хокими К. Тулаговлар иштирок этдилар.

Улкан футбол байрами атоқли санъаткорлар иштирокидаги катта концерт билан яқунлади. Стадиондаги барча томоша — футбол ўйини ҳам, концерт ҳам "Эн-Би-Си" телекомпанияси орқали Европа ва Америка мамлакатларида олиб кўрсатилади.

Т. ГОЛУБКИНА, Ўза муҳбири.



ЭЪЛОНЛАР ЖАМГАРМА БАНКИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

БУ СИЗНИНГ МАҚСАДЛАРИНГИЗ ЙЎЛИДА: Қимматли вақтни тежаш, ишчи ва хизматчиларга ойлик маошларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадларида маошнинг Жамғарма банки бўлимига (ҳоҳишга кўра иш жойига яқин еки турар жой бўйича) нақд пулсиз ўтказишнинг мумкин. Бунинг учун томонлар ўртасида шартнома имзоланади ва Жамғарма банки хизматлари учун келишилган ҳақ тўланади. Қолган барча ташкилий масалаларни Жамғарма банки ўз зиммасига олади.

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР!

Ойлик маошларингизни Жамғарма банки муассасалари орқали ўзингиз учун қулай бўлган вақтда тўлиқ миқдорда еки бир қисминини олишингиз мумкин. Бундан ташқари, пулни истаган шахсга ишончнома расмийлаштирган ҳолда олиш ҳам мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА ТОПШИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз топширган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳақни, тайёрлов идораларига омонатга ўтказиб бериш учун кўрсатилган фойдалангани, телефон, болалар хар турдаги дам олиш ва даволash муассасалари хизматлари фойдалангани, маданий-маиший, куриш ва бошқа хизматлар учун омонатдан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китобларни доимий ва узлуқсиз амалга ошириб туриш имкониятлари чексиз ва кафолатли!

ЎЗ ВАҚТИНИ ҚАЙРЛОВЧИЛАР УЧУН!

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасалари омонатчиларнинг бир маротаба ва узок муддатга белгиланган топширилган бўйича уй-жой, газ электр тармоқларида фойдалангани, телефон, болалар хар турдаги дам олиш ва даволash муассасалари хизматлари фойдалангани, маданий-маиший, куриш ва бошқа хизматлар учун омонатдан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китобларни доимий ва узлуқсиз амалга ошириб туриш имкониятлари чексиз ва кафолатли!

Бу йўсиндаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш маъқул бўлган кишилар истаган Жамғарма банки ташкилотига мурожаат этишлари мумкин.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти Жамғарма банки муассасалари аҳолидан қўйидаги омонат турлари бўйича пул маблағларини қабул қилади. Талаб қилиб олинганга қадар йилга — 20 фоиз;

Table with 2 columns: Deposit type and interest rate. Includes rows for 1 year (3%), 3 years (5%), 5 years (8%), and deposit certificates (100%).

Сиз Жамғарма банкида ўз меҳнат даромадларингизни маълум муддат сақлаш билан устара фонизлар ҳисобига оила бюджетингизни мустақамлаш ҳақда омонатдан хар турдаги тўловларни ошириш имкониятига эга бўласиз.

ХИСОБ ЧЕКЛАРИ

Хисоб чеклари шахсининг нсми қайд этилган пуллик ҳужжатдир. Чеклар хар бир шахсининг Жамғарма банки муассасаларида сақланаётган омонатдан еки нақд пулга 25 сўмдан 100.000 (Бир юз минг) сўмгача берилиши мумкин.

Чеклар ердимида давлат ва кооператив савдо тармоқларида қарали дўконлардан харид қилинадиган буюмлар учун тўловларни амалга оширишнинг имконияти чексиздир!

Хисоб чеклари 4 ой мобайнида амалда бўлиб, ишлатмай қолган чек блани исталган Жамғарма банки муассасасида тўлов муддатини узайтириш еки омонатга қайта ўтказилиши мумкин.

Харид қилинган буюмлар учун тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг бу усули Сиз учун қулай ва харид давомида кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишдан ҳалос этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲУРМАТЛИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент вилояти Жамғарма банки хизматларини фойдаланган! Бу Сизга ўз қимматли вақтингизни тежаш ва меҳнатларингиз эвазига жамланган даромадларингиздан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Уй-жой сотиб олишга еки яқна тартибда уй-жой қурилишга Жамғарма банки Сизга беминнат ердэм беради. Бунинг учун Сиз Тошкент вилоят Жамғарма банки бўлимида ўзингиз учун сууда-Жамғарма хисоб-рақами очтирасиз.

3 йил сақлиниш шарт билан хар ойда белгиланган миқдорда пул қўйиб берилади.

Келтирилган муддат ўтгандан сўнг сууда-Жамғарма хисоб рақамидида йилгилан пул маблағининг 10 баравар кўп миқдорда уй-жой сотиб олишга еки яқна тартибда уй-жой қурилишга бефоз 10 йил муддатга сууда берилади.

Масалан: 3 йил ўтгандан сўнг сууда-Жамғарма хисоб-рақамидида 1000 сўм пул маблағи йилгилди, белгиланган қондалар асосида юқорида қайд этиб ўтилган мақсадлар учун шу йилгилан пул маблағининг 10 баравар кўпи яъни 10.000 сўм миқдорда фозиз бўлмаган сууда берилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ЖАМГАРМА БАНКИНИНГ ИСТАЛГАН БЎЛИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИГИЗ МУМКИН.

ЖАМГАРМА БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ.

ҲУРМАТЛИ ЁШ ДЎСТИМ!

Агар Сен мактабни битирган бўлсанг еки харбий хизматни ўтаб қайтган бўлиб, замонавий самолётлар ишлаб чиқариш ва келажакнинг дастурли дастоҳ роботларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган касблар қизиқтирадиган бўлса, Сени

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИК ЛИЦЕЙИГА ўқишга ТАҚИМЛАШ ҚИЛМАНИЗ АТИГИ ОЛТИ ЁКИ ҲҲ ОЙДА КЕРАКЛИ КАСБНИ ЭГЛЛАЙСАН.

Сенга хар ойда стипендия берилади. БОШКА ШАҲАРЛИКЛАР ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИЛАР.

Уқини битирган Сен республикамақсада энг яқин корхоналардан бири — В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ИШЛАЙСАН.

Агар Сен хали харбий хизматни ўтамаган бўлсанг, лицейни битиргандан сўнг авиация бирлашмасида муқоабил хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўласан.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЗ СЕНИ КУТАМИЗ.

Лицейга кириш учун ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, 3х4 ва 4х5 см. ўлчамдаги фотосуратлар (4 наладан) топширилади. Паспорт шахсан кўрсатилади.

ЎҚИШ ГУРУҲЛАР ТУЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ. Манзилимиз: 700207. Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. С. И. Кадиев номидаги Тошкент авиация техник лицейи. Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.

Метронинг "М. ГОРЬКИЙ" бекатидан — 106, 110-автобуслар ва 6-трамвайда; метронинг "В. П. ЧКАЛОВ" бекатидан — 119, 103-автобуслар; метронинг "АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИ" бекатидан 30-автобус билан "С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИК ЛИЦЕЙИ" бекатигача борилади.

ПҚД «САРВАТ» 1 сентябрдан ТУГАТИДИ. Давоолар 1 ой ичида қабул қилинади.

• Фарзандлар оталар ҳақида ҚЎШИҚЛАРДА ЯШАЙДИ ШОИР...

Атоқли шоир Чустийнинг 90 йиллиги

ҚИБЛАГОҲИМИЗ табиятан ҳушчақмак, оқ кўнгли ва мард инсон бўлганлар. Ул табаррук зотнинг суҳбатларида бир бор бўлган одам, енларидан сира жилгиси келмай қоларди. Падали бузуқворимиз ўзларининг дилрабо газаллари, ўткир аскиялари ва фусункор суҳбатлари билан тингловчиларни ром этиб кўярдилар.

Ул киши ўз ҳузурларида ўзгаларни, хаттоки, рақибларини ҳам ёмонлашга йўл қўймасдилар. Ва биз фарзандларга ҳам доим шунини насихат қилардилар.

"Масалан, дер эдилар қиблагоҳимиз, — кўзгунин олайлик. Унинг бир томони қора, иккинчиси эса оқ. Инсон унинг ана шу оқ томонига қараб ўз аксини кўради. Бундан киноа шуки, одамни унинг яқши фазилатларига қараб баҳолашга оdatлининглар. Акс ҳолда, араб мақолида айтилганидек, айбсиз дуст кидирган одам ўзи елгиз қолади".

Кунларнинг бирида, унда Чигатов маҳалласининг Муҳокама кўча (ҳозирги Чустий маҳалла)сида истикомат қилардик.

Ҳовлига Хазиний домланинг ўғиллари, кўконлик машхур ҳофиз Сотволдихон ака кириб келиб қолдилар. Кўринишларидан кимдандир хафа эканликлари сезилиб турарди. Буни пайкаган Отам осойишталик билан: "Ха, тақсир, тинчликми? Бироз хафа кўринасиз", — деб сўрадилар.

Шунда Сотволдихон ака хафа бўлишларининг боисини қуйидагича баён этдилар:

— Телевидение мени кўрсатувга тақлиф этганди. Шунга биноан хар қандай зарур ишимни ташлаб бўлса ҳам етиб келгандим. Кўрсатув мутасаддис мендан репертуар талаб қилди. Репертуаримни кўргач, ранги ўзгарди: Бунинг ҳаммаси Чустий газаллари бўлиб кетди-ку? деди. Шунда мен жақлим чикиб, Чустий газалларини айтмасам, кўрсатувда катнашмайман, — деб мутасадди ўртокнинг хонасинан чикиб кетдим".

Қиблагоҳим воқеани хотиржам тингладилар-да, улугворлик билан: Аттанг, дилингизга бироз озор бериб қўйишбди-да. Бирок, сиз менинг газалларим ўрнига бирорта бошқа шоирнинг газалларини ўқиб бўлса ҳам, кўрсатувда катнашганингиз яқши бўларди. Менинг газалларимга келсак, алхамдулиллоҳ, радио, телевидение ва матбуотда онда-сонда бўлса ҳам эълон этилиб турипти. Ўзингизга маълумки, яқинда "Тул мавсуми" газаллар тўплами ҳам нашрдан чикди. Бугеги иншолю, ҳаммаси яқши бўлиб кетади. "Хар не нарса бўлса, бўлсин, яқши бўлсин, — деб Сотволдихон акага таскин бердилар. Лекин отамнинг газалларига тўсқинлик қилган ҳалиги кимса тўғрисида, гарчи уни яқши танисалар ҳам бир оғиз емон гап айтмадилар.

Бу кичкинагина лавҳадан ҳам кўриниб турибдики, иймонли инсонларнинг дилида емонлик бўлмайдди. Уларнинг диллари доимо эзгулик нурига тўлиқ бўлади. Шоирнинг қуйидаги сатрлари эса фикримизнинг еркин далилидир:

Дилидан излама ҳеч кимсага бўтхон, тополмайсан, Азизим, бу сўзимдан заррача ёлгон тополмайсан. еки:

Ким садаф янглиг қилолғай емонликка, яқшилик. Бағрини ханжар билан ёрсанг сенга у дур берур. 1920 йиллардан бошлаб адабиет майдонига кириб келиб, унга сидқидилдан хизмат қилиб, халқ Меҳрини қозонган, ХХ аср ўзбек мумтоз шеърятининг ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшган Чустий, яъни падали бузуқворимизнинг хаёт тарзлари биз фарзандлар ва келажак авлод учун чин инсонийлик ва мардлик рамзи бўлиб қолади.

МУЗАФФАРХОН НАБИХОН УҒЛИ.

• ПИСКЕНТ "МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ўзбегим" ижодий бирлашмаси ва туман хотин-қизлар кўмитаси байрам арафасида "Мустақиллик шарофати" мавзуда адабий учрашув ўтказди.

Унда ёзувчи ва шоирлардан Фарид Усмонова, Марва Жалолиддинова, Рауф Парфи, Замира Раззоқовалар меҳнатқашлар ҳузурда бўлиб, ўзларининг Ватан, истиқлол, ҳурилик ҳақидаги янги шеърларини ўқиб бердилар. Шунингдек еш истеъодли хонанда Жалолиддин Холиқов ва "Баёт" дастаси катнашчилари ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради. Ўз ўрнида пискентлик хаваскорлар ҳам халқ лапарлари, термаларини ижро этиб, истеъодларини намоен этдилар.

А. АЗИЗОВА.

• ОКҚЎРҒОН "ЗАНГОРИ ОЛОВ" ЁНДИ

"Озод" жамоа хўжалиги билан Окқўрғон шаҳри оралигида 6,5 километр юқори босимли газ қувири тортилди. Бу ишни Тошкент курилиш-монтаж бошқармаси қиска муддатда сифатли қилиб бажарди. Бу бошқарманинг Окқўрғон бўлими бошлиғи Холмат Мирзааҳмедов, Окқўрғон газ идораси бош муҳандиси Ш. Ниезов, техника назорати муҳандиси Э. Шербоев, тракторчи Т. Комиловлар курилишда алоҳида фидойилик кўрсатиб ишладилар.

— Бу халқимиз учун муносиб байрам туғхамиз, бўлди, дейди Окқўрғон газ идораси бошлиғи М. Эралиев, — бунда бизга туман ҳокимлиги катта ердэм берди. Яқин орада туманимиздаги барча кишлоқлар хонадонларига "зангори олов" кириб боради.

Т. МАМАТОВ.

• ПАРКЕНТ ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАЛАРИ

Туман маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган ўзбек халқ чолгу асбоблари дастаси ижодий жамоаси "Истиқлол тароналари"

• Ҳодиса МУҲАЙЁНИНГ ИККИНЧИ ОНАСИ

РОВОТАКЛИК Насиба Тошқўзиева хўжаликнинг 3-бригадасида ишлайди. У бекатда автобус кутиб турганда ариқда чалажон бўлиб оқиб келаётган жажжи қизчани кутқариб қолди. Муҳайёни 11 июнь кунни район болалар шифохонасига олиб келишганда ахволи жуда емон эди. — дейди шифокор Р. Эргашев. — Унинг бахтига сувдан кутқариб олган Насиба опа биринчи ердими кўрсата билган. Улқадан сув чиқариб ташланган. Акс ҳолда 10-15 дақиқа чамаси сувда оқиб юрган қизчанинг омон қолиши гумон эди.

Сув балосини Насиба Тошқўзиева яқши биледи. Бир неча йиллар муқаддам сувга қўқиб кетган жигарбанди Камолдидинни эслайд, кўзига еш олади. Бугун эса... у Муҳайёнинг халаскори. "Қирғовул" кишлоғида Тошқўзиевалар хонадонида бўлиб ўтган файли тўй оқшомида Муҳайёнинг ота-онаси ҳам меҳмон бўлишди. Энди жажжи қизчанинг икки онаси бор.

Ҳ. УСМОНОВ.

• Ҳодиса ФАРҲОДНИНГ ЖАСОРАТИ

"Ҳақиқат" жамоа хўжалигининг Оппоқ маҳалласида яшовчи Эркин ва Ғузалларнинг бир-биридан ширин Фарҳод, Муаззам исмли фарзандлари бор. ... Воқеа шундай бўлди. Ҳовли этағидаги ариқ еқасида икки ярим ешли Муаззам лойга тойиб ариққа тушиб кетди. Сал нарида кема ясаб, уни сувга оқизишга шайлаб турган уч ярим яшар Фарҳод синглисини сувга чўкаётганини сезиб, югуриб келиб, унинг сочидан ушлаб олди. Қутқарув ярим соатча давом этди. Унинг қўли тойган бўлса ҳам синглисини сув ғирдобига қўйиб юбормади. "Буви, буви, ердэм" деган хитобни эшитган Мўриниса хола етиб келди-да, неварасини бағрига олди...

Бундан бир ой муқаддам шу ариқда бригадир Аббос Шароповнинг бир ярим яшар қизи сувга чўкиб, нобуд бўлган эди. Шунин эслаб, ҳамма уч ярим яшар Фарҳоднинг жасоратига қойил қолишди.

Ҳ. УСМОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Ёшонлар: 33-99-15, 32-57-27.